



Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 23 сентябрь, № 198 (9369)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАЪМУРИЙ ОДИЛ СУДЛОВ ТИЗИМИДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ҚўЛЛАНИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев маъмурий одил судловни янги босқичга олиб чиқиш истиқболларига бағишланган тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил 1 июлдан маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилган эди. Ушбу тизим давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан суд назоратини кучайтириш, фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида маъмурий судлар томонидан 150 мингга яқин ишлар кўриб чиқилиб, 70 мингдан орტიқ ҳолатларда давлат органларининг ноқонуний қарорлари бекор қилинган. Шунингдек, мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан юқори турувчи ёки бошқа ваколатли органларга 27 мингга яқин хусусий ахримлар қилинган.

Бу натижалар маъмурий судлар фаолияти "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимиз хизмат қилиши керак" деган устувор тамойил асосида шаклланишини кўрсатади. Ушбу тизим давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини сама-

рали тиклашда муҳим ўрин тутмоқда. Тақдимотда соҳани ривожлантиришнинг навбатдаги босқичида илғор хорижий тажриба ва замонавий талаблар асосида 15 га яқин янги ҳуқуқий институтларни жорий этиш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди.

Янги ёндашувлар, энг аввало, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини амалда тиклаш, давлат органлари фаолияти устидан суд назоратини кучайтириш ҳамда маъмурий судларнинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган.

Ҳозирги тартибга кўра, фуқаролар ва тадбиркорлар ўзларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун маъмурий судларга фақат битта шаклда мурожаат қилиш имконига эга. Таклиф этилаётган ислохотлар натижасида эса фуқароларга ҳуқуқи бузилишидан олдин унинг ҳимосини проактив тарзда таъминлаш учун шароит яратилди. Бунда судга мурожаат қилишнинг тўрт турдаги даъво шаклини жорий этиш назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев электр энергетикасини ривожлантириш истиқболлари ва ёқилғи-энергетика тармоғидаги лойиҳаларни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишди.

Энергетика тизими иқтисодий ўсиш, инвестиция фаоллиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда соҳага хусусий сектор ва хорижий инвесторлар кенг жалб қилиниб, янги генерация қувватларини барпо этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва тармоқларни модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилди. Бу борадаги ислохотлар натижасида қуёш ва шамол электр станцияларининг умумий қуввати 6,3 гигаваттдан ошди. Гидроэлектр станциялар сони 100 тадан ортиб, уларнинг умумий қуввати 2,5 гига-ваттга яқинлашди. Қайта тикланувчи энергия манбалари кенгайиши ҳисобига ҳар йили катта миқдорда табиий газ тежалмоқда.

2030 йилга бориб, мамлакат иқтисодиёти ҳажми-ни 300 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган, аҳоли сони эса 41 миллиондан ортиши кутилмоқда. Саноятнинг ўзида электр энергияси истеъмоли 2030 йилгача 38 миллиард киловатт-соатдан 53,5 миллиард киловатт-соатгача ўсиши прогност қилинмоқда. Электромобиллар ва дата-марказлар ривожланиши ҳам тизимга қўшимча юклама беради. Шу боис генерация қув-

ватларини талабдан олдин ривожлантириш, электр тармоқларининг ўтказувчанлигини ошириш ва етарли захира қувватларини шакллантириш зарурлиги қайд этилди.

Режага кўра, 2030 йилга бориб, мамлакатдаги генерация қувватлари 46,1 гига-ваттга етказилиб, йилга қарий 129 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилди. 2035 йилда эса қувватларни 57,2 гига-ваттга, йиллик генерацияни 154,7 миллиард киловатт-соатга етказиш кўзда тутилган.

Тақдимотда электр энергияси истеъмолининг турли ўсиш сценарийлари ҳам кўриб чиқилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, истеъмоли мўътадил ўсган-да 2030 йилгача генерация ва талаб ўртасида етарли мувозанат сақланади. Бироқ иқтисодиёт, саноат, электр транспорти ва рақамли инфратузилма тез суъратларда ривожланган тақдирда қўшимча генерация қувватларига эҳтиёж пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари энергетика соҳасидаги режалар иқтисодиётнинг юқори ўсиш суъратларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши, тизимда доимо етарли захира қуввати бўлиши шартлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).



БЕБАҲО НЕЪМАТ

ТАҲЛИКАЛИ ДУНЁДА ЎЗБЕКИСТОН ТАНЛАГАН ТИНЧЛИК, ЯХШИ ҚўШНИЧИЛИК ВА МУЛОҚОТ ЙўЛИ



Тўсиқлардан холи қўшничилик

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг сўнгги ўн йилликдаги энг сезиларли ўзгаришларидан бири Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларда янги муҳит шаклланишидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилдаёқ Марказий Осиёни тинчлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик маконига айлантиришни ташқи сиёсатнинг устувор мақсадларидан бири сифатида белгиланган эди. Ўша йили БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан минтақа давлатлари раҳбарларининг мунтазам

Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди. Биринчи шундай учрашув 2018 йил март ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтди. Кейинчалик бу мулоқот доимий сиёсий механизмга айланди. Ушбу ёндашувнинг энг муҳим жиҳати — йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни кескин чоралар орқали эмас, музокаралар йўли билан ҳал этишга интилиш бўлди.

Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари бунга яққол мисол. 2018 йилда икки давлат ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновини енгиллаштириш бўйича қелишувларга эришилди, визасиз тартиб жорий қилинди ва давлат чегарасидаги барча назорат-ўтка-

Тинчликнинг қадрини англаш учун баъзан дунёга бир назар ташлашнинг ўзи қифоя. Бугун сайёрамизнинг турли нуқталарида давом этаётган қуролли можаролар тинчлик ўз-ўзидан пайдо бўладиган ва абадий сақланиб турадиган неъмат эмаслигини, уни асраш учун давлатдан ҳам, жамиятдан ҳам доимий сиёсий ирода, масъулият, вазминлик ва узоқни кўзлаб иш тутиш талаб қилинишини кўрсатиб турибди.

Нигоҳ

зиш пунктлари фаолияти қайта тикланди. 2025 йил 31 мартда Хўжандда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари иштирокида уч давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисида шартнома имзоланди. Шу билан бирга, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида бир неча йиллар давом этган чегара масалаларининг ҳуқуқий ечимига эришилгани қайд этилди.

Бундай натижаларнинг аҳамияти оддий одам ҳаётида, айниқса, яққол кўринади. Бундан ўн йил муқаддам қўшни юртга бориш, кадрдонлар билан учрашиш олис Европа давлатларига таширдан қийинроқ эди.



Акс садо

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ТАШАББУСЛАР

Мамлакат тараққиёти, аввало, инсоннинг ҳаётдан розилиги, оилалар фаровонлиги ва аҳолининг эртанги кунга ишончи билан баҳоланади. Бу ёндашув Қорақалпоғистондаги кенг қўламли бунёдкорлик ва ижтимоий янгиланишларда ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига таширғи давомида белгиланган вазифалар марказида инсон қадрини, аҳоли фаровонлиги ва ҳар бир оиланинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш мақсади турибди.

Таширғи доирасида нафақат йирик иқтисодий лойиҳаларга старт берилди, балки тиббиёт, таълим, уй-жой, транспорт, ичимлик суви, қишлоқ ҳўжалиги ва ёшлар бандлиги билан боғлиқ масалаларга ҳам комплекс ёндашилди. Нукус шаҳрида барпо этилган Шайх Халифа номидаги замонавий шифохонанинг ишга туширилиши аҳолига сифатли тиббий хизматни яқинлаштириш йўлидаги муҳим қадамдир. Қўймати 27 млн. доллар бўлган, 100 ўринга мўлжалланган ушбу муассаса замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Қорақалпоғистон илмий-амалий тиббиёт академияси эса малакали мутахассислар

тайёрлаш ва тиббий хизмат сифатини оширишга хизмат қилади. Йиғилишда Нукус тиббиёт илмий академияси, Болалар клиникаси, Онкология маркази ва янги кўп тармоқли шифохона-ни бириктирган Университет тиббий кластерини ташкил этиш белгиланди. Мўйноқда ишлаётган шифокорларга берилаётган устамаларнинг Бўзатов ва Тах-тақўпирда ҳам жорий қилиниши олис ҳудудларда малакали тиббий кадрларни рағбатлантириш имконини беради. Аҳоли учун муносиб турмуш муҳитини яратиш масаласи ҳам таширғининг асосий йўналишларидан бири бўлди.



ИЖТИМОЙ ЛОЙИҲАГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Ижтимоий ҳўмоя миллий агентлиги ҳамда БМТнинг Осиё-Овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (FAO)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Ноғиронлиги бўлган шахсларни мослаштирилган иссиқхоналар орқали ижтимоий интеграция қилиш ва уларнинг бандлигини таъминлашга қўмақлашиш" лойиҳасининг расмий ишга туширилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Инклюзив жамият

Ноғиронлиги бор шахсларни қишлоқ ҳўжалиги соҳасига жалб этиш, уларнинг муносиб меҳнат ва даромад топиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, мавжуд иссиқхоналарни уларнинг эҳтиёжларига мослаштириш орқали ижтимоий интеграция-сини таъминлашдан иборат лойиҳа 24 ой давомида Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Олмалик, Фарғона ва Самарқанддаги олти та ихтисос-



лаштирилган таълим муассасида амалга оширилади. Лойиҳа доирасида иссиқхоналарни ноғиронлиги бўлган шахслар учун мослаштириш, уларга қишлоқ ҳўжалиги йўналишида амалий кўникмалар бериш ва бандлигини таъминлашга қўмақлашиш, шунингдек, тўпланган тажриба асосида ушбу ёндашувни мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам қўллаш имконини берувчи амалий моделни шакллантириш кўзда тутилган.

ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга навбатдаги таширғи ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартирувчи янги тарихий босқични бошлаб берди.

Эътиборлиси, кейинги йилларда қўлланаётган имтиёзлар ўз амалий ме-васини бера бошлади. Фойда, ер ва мол-мулк солиқлари икки қарра қамайгани, ижтимоий солиқ бир фоиз қилиб белгилангани ва саноат учун электр тари-фи 15 фоизга пасайтирилгани тадбиркорларга янги имкониятлар яратди. Таширғи доирасида умумий қиймати 7 млрд. долларлик 47 та янги лойиҳага старт берилгани ҳудуднинг мутлақо янги саноат даврига қадам қўяётганидан далолат.

Энергия барқарор бўлмаса, ҳеч бир саноат тармоғи тараққиёти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Қорақалпоғистонда электр энергияси ишлаб чиқариш 4 баравар ошиб, 5,3 млрд. киловатт-соатга етказилди ва бу аҳоли ҳамда қорхона-ларнинг йиллик эҳтиёжидан 3 қарра кўп, дегани. Айниқса, Кўнғирот тумани-да Саудия Арабистонининг "ACWA Power"

компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган 2,6 млрд. долларлик, 1,5 гига-ваттлик шамол электр станцияси лойиҳаси ҳудудни Марказий Осиёдаги йирик "яшил" энергетика марказига айлантиради.

Барқарор ва арзон "яшил" энергия манбалари мавжудлиги инвесторларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ин-вестициявий ҳамкорлик алоқаларида ҳудуддаги геология ишлари ҳам эъти-бор қаратилиши лозим. Бугунги кунда Оролбўйининг 20 фоизидигина бундай ишлар амалга оширилган бўлиб, ин-весторлар учун хомашё захиралари ҳақидаги маълумотлар етарли эмаслиги ва кон захира-ларини қайта баҳолаш ҳамда геоло-гия-кидирув ишларини жадаллаштириш за-рурлигини кўрсатади. Зеро, Президенти-миз таъкидлаганидек, киритилаётган сармоялар фақат рақамлар учун эмас, балки аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилиши лозим.



Муносабат

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СТРАТЕГИК РЕСУРСИ

Сув — ҳаёт манбаи. Бугунги кунда у, айниқса, Ўзбекистон учун нафақат табиий бойлик, балки иқтисодий тараққиёт, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ ҳўжалиги барқарорлиги ва келажак авлодлар фаровонлигини белгилайдиган стратегик ресурсга айланмоқда.

Глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сони ва иқтисодиёт эҳтиёжлари-нинг ортиб бориши шароитида сув ресурсларидан оқилона ва тежаб фойдаланиш масаласи тобора долзарб тус олмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев-нинг Ўзбекистон Республикаси-давлат мустақиллигининг 35 йил-лигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ҳам сув ва экология масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. "Глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ва экология ма-салалари янада долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис тўртинчи миллий дастур сув ва табиатга

муносабатни тубдан ўзгартириш-га қаратилади", деди давлатимиз раҳбари. Бу вазифанинг амалий ифода-си сифатида келгуси беш йилда экин майдонларини сув тежовчи технологиялар билан 100 фоиз қамраб олиш мақсади белгилан-ди. Назаримда бунинг оддий техник кўрсаткич деб эмас, қишлоқ ҳўжалигида сувдан фойдаланиш маданияти ва тизимини тубдан ўзгартиришга қаратилган страте-гик вазифа сифатида баҳолаш лозим.

Чунки Ўзбекистон қишлоқ ҳўжа-лигини суғурма деҳқончиликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамла-

катда умумий сув истеъмолининг қарий 90 фоизи қишлоқ ҳўжали-ги ҳиссасига тўғри келади. Демак, аграр соҳанинг барқарорлиги, ҳосилдорлик ва озиқ-овқат хавф-сизлиги кўп жиҳатдан сувдан қан-чалик самарали фойдаланишимиз-га боғлиқ.

Айни пайтда мутахассислар ба-ҳоларига кўра келгусида мамла-катимизда сув ресурслари манба-лари 30 — 40 фоиз қамайиши, су-ғоришга бўлган эҳтиёж эса қарийб 25 фоиз ортиши мумкин. Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилаётган обихаётнинг бор-йўғи 15 — 20 фоиз ички манбалар ҳисобига шакл-ланади. Шунинг учун бугун сувни тежаш масаласи фақат масъул соҳа вазифаси эмас. У қишлоқ ҳўжалигининг рақобатбардошли-ги, ишлаб чиқариш таннархи, фермер даромади ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги билан бевоcита боғлиқ.



Тошкент ва Бухорода умумий қиймати қарийб 3 млрд. доллар бўлган янги аэропорт мажмуаларини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

